

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ БИТИРУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

В.С. Ядгарова

Бухоро давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: *Профессional таълим соҳасида бошқарув ва педагог кадрларини касбий компитентлигини ривожлантириш мазсуни, йўналишлари ва босқичлари педагогик компитентлик асослари ва сифатлари, бошқарув ва педагог кадрларнинг касбий компитентлигини ривожлантириш йўллари, шакл ва методлари, бошқарув ва педагог кадрларнинг касбий компетенцияси турлари ва уларнинг боғлиқлиги (касбий, шахсий, умуминсоний, маданий, махсус), дидактик компетенция-касбий компетенциянинг асоси эканлиги, касбий компетенция модели, ўқитувчи компетенцияси пирамидаси ҳақида билим кўникмаларни шакллантириши.*

Калим сўзлар: *таълим-тарбияда инновация, компетенциявий талабалар, компетенциявий ёндашув, компитенция, компитентлик, касбий компитенция, махсус компитенция, инновацион технологиялар.*

Президентимиз фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”да таълим сифатини тубдан ошириш, бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Миллий таълим тизимида такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини биргина қарор ёки буйруқ бериш орқали жорий этиб бўлмайди. Бунинг учун таълим тизимидаги барча иштирокчилар биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ишга киришишлари керак.

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги таълим стандартларини компитенциявий талабалар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим муассаса битирувчиси ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлишини таъминлашда асосан, педагог кадрлар салоҳияти ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Демак, жамиятдаги барча янгиланишларни уйғунлаштириш учун шахсий етуклик билан бирга касбий компитентлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Халқаро педагогик тажрибалар таълим сифатини битирувчиларнинг компитенция даражаси асосида баҳолаш ва раҳбар педагогларда касбий компитентлигини таълимнинг инновацион технологиялари воситасида ривожлантириш, ахборот коммуникация технологиялари орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усуллардан комплекс фойдаланиш ҳамда дидактик воситаларнинг интегртив имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратилган.

Касбий компитентлигини ривожлантириш ва раҳбар педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга оид тадиқиқотлар олиб борилаётган Seol Cyber University (Жанубий Корея), Belfield Pedagogical University (Германия), Manchesters University (Англия) каби нуфузли илмий тадиқиқот таълим марказларида салмоқли амалий натижаларга эришилди.

Мамлакатимизда профессионал таълим тизимини жорий этишга қаратилган туб ислохотлар натижасида битирувчи касб таълими мутахассисларини тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари ва ахборот –методик имкониятлари кенгайтирилмоқда. Профессионал таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ, унинг мазмунини такомиллаштириш, ривожлантириш ва

янгилашдан кутилаётган натижалар битирувчининг қуйидаги асосий компетенциялари шаклида белгиланади: қадриятга йўналтирилган, коммуникатив, ахборот-технологик компетенциялар, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларидир. Профессional таълим мазмунини янгилаш битирувчиларининг таълим дастурлари доирасида олган билим ва кўникмаларини меҳнат бозорида иш берувчилар талаб қиладиган кўникмаларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан профессионал таълим раҳбар педагогларнинг касбий компитентлигини ривожлантиришнинг амалдаги методикаси ва ўқув-услубий таъминотини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Битирувчи мутахассиларни касбий жиҳатдан тайёрлаб бориш Шарқ мамлакатларида амалда бўлган таълим мазмунида бевосита асосий ўринни битирувчи мутахассиснинг компитентлик даражаси эгаллайди.

Бугунги кунда халқимизда ва хорижий олимларнинг илмий ишларида “компитенция”, “компитентлик” ва “касбий компитентлик” каби тушунчалар кенг қўлланилмоқда. “Компитенция” тушунчаси кўп йиллардан буён педагог-олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Компитенция латинча *competere* сўзидан олинган бўлиб, эришаман, мувофиқман, мос келаман маъноларини англатади. Яна бир қаторда киши эгаллаган муайян билим, кўникма, малакалар мажмуаси ҳам компитенция саналади.

Компитенция-давлат ихтиёрида бўлган, олдиндан белгиланган ижтимоий талаб бўлиб, у ўқувчи (ишчи)нинг муайян соҳада самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган таълимий (профессионал) тайёрлигига нисбатан қўйилади

Компитентлик- (инглизча “competence” –қобилият) –фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш.

Касбий компитентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

Касбий компитентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгаланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интерактив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишни назарда тутаяди. Шунингдек, компитенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.


Касбий компитентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- Мураккаб жараёнларда;
- Ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- Бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- Кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда

Касбий компитенцияга эга мутахассис:

- Ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- Янги ахборотларни ўзлаштиради;
- Давр талабларини чуқур англайди;
- Янги билимларни излаб топади;
- Уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Ўзбекистон шароитида педагогга хос касбий компитентлик негизида қуйидаги таркибий асослар ташкил этади.



Ушбу жадвалда таркибий асослар, таълим битирувчиларда компитенцияларни таркиб топтириш босқичларида фойдаланиладиган ўқув топшириқлари, оралиқ назоратда компитенцияларни назорат қилиш учун фойдаланиладиган ностандарт топшириқларининг турлари ва уларнинг мураккаблик даражалари ўз аксини топган.

Битирувчиларда таянч, умумий ва фанга доир хусусий компитенцияларни таркиб топтириш муаммоси фан ўқитувчиларининг касбий педагогик компитенцияларига аниқлик киритиш заруратини келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда профессионал таълим битирувчиларда касбий компитенцияларни шакллантириш методикаси битирувчиларининг касбий педагогик компитенцияларига аниқлик киритиш, педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида компитенциявий ёндашув талабалари асосида курсларининг мазмунини янгилаш, шу асосда ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш давр талаби саналади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ -5313-сон Фармони.
4. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015. – 120 бет.
5. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004.
6. Olimov, S. S. (2021). The innovation process is a priority in the development of pedagogical sciences.
7. Olimov, S. S., & Mamurova, D. I. (2021). Graphic Information Processing Technology and its Importance. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 10, 1-4.
8. Olimov, S. S., & Mamurova, D. I. (2022). Information Technology in Education. *Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress*, 1(1), 17-22.
9. Mamatov, Dilshod. "PROJECTS OF MAKING CLAY AND PLASTIC TOYS IN PRE-SCHOOL EDUCATION." *Theoretical & Applied Science* 9 (2019): 281-285.
10. MAMATOV, DILSHOD. "The Role of Computer Graphics in Developing Students Space Imagination." *JournalNX* 6.10: 304-309.
11. Djalolovich, Yadgarov Nodir, et al. "IMPROVING THE PROFESSIONAL TRAINING OF FINE ART TEACHERS." *European science* 2 (58) (2021): 44-46.
12. Yadgarov, N., & Mamatov, D. (2019). Brief description of some architectural monuments of bukhara. In *International Scientific and Practical Conference "Innovative ideas of modern youth in science and education"* (pp. 283-286).
13. Toshtemirovna T. N. Education process directed to the person as the basis of increasing knowing activity of pupils //The advanced science open access journal. United states. – 2013. – №. 6. – С. 83-85.
14. Toshtemirovna T. N. Methods and techniques of developing cognitive activities of primary school pupils //ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – №. 10. – С. 7.13.
15. To'raqulovich J. U., Muxitdinovna A. Z. Features of Speech Development in Children of Middle Preschool Age.
16. Ashurova Z. Pedagogik Mahorat //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
17. Aminovna, Salikhova Zamira. "Methods of forming the reader's competence in literature lessons." *European Journal of Research Development and Sustainability* 2.4 (2021): 36-39.
18. Salixova, Z. A. "CREASING THE READING COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.3 (2022): 690-692.